

5-1-2018

## Gross Regional Product, Dynamics, Structure, Interregional Comparison Analysis and Priorities

B.T. Salimov

*Tashkent State University of Economics, Tashkent, str, Islam Karimov 49, b.salimov@tsue.uz*

B.B. Salimov

*Tashkent State University of Economics, Tashkent, str, Islam Karimov 49*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

---

### Recommended Citation

Salimov, B.T. and Salimov, B.B. (2018) "Gross Regional Product, Dynamics, Structure, Interregional Comparison Analysis and Priorities," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 5 , Article 20.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss5/20>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## Ҳудудларнинг ялпи маҳсулоти, динамикаси, таркиби, ҳудудлараро таққослама таҳлили ва устувор вазифалар

Салимов Бахтиёр Таджиевич,  
ТДИУ профессори, и.ф.д.

Салимов Баходир Бахтиёрович,  
ТДИУ таянч докторанти,

Мадрахимова Гуласал Рўзимбой кизи,  
ТДИУ катта ўқитувчиси

E-mail: [b.salimov@mail.ru](mailto:b.salimov@mail.ru)

**Аннотация:** Ялпи ҳудудий маҳсулотни ҳудудлараро таққослама таҳлили, уларни ўсиш динамикаси, ҳар бир ҳудуднинг мамлакат ЯИМга қўшган ҳиссаси қаралади, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш индекси республика индексига нисбатан тадқиқ этилади.

**Аннотация:** Проводится межрегиональный сравнительный анализ валового регионального продукта, динамика его роста, вклад каждого региона в ВВП страны, исследуются среднедушевые показатели ВРП и индексы экономического развития регионов и республики Узбекистан.

**Abstract:** Interregional comparative analysis of the gross regional product, dynamics of its growth, contribution of each region to the country's GDP, inter-regional GRP indicators and indexes of economic development of the regions and the Republic of Uzbekistan are analyzed.

**Калитли сўзлар:** Ялпи ҳудудий маҳсулот, таққослама таҳлил, ЯҲМ таркиби, кичик бизнес, кичик саноат зона, ривожланиш индекси, аҳоли турмуш даражаси, бозор хизмати, маҳаллийлаштириш, инвестиция, дастур.

### Кириш

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) одатда ҳудудларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишининг базис индикатори бўлиб у маълум бир вақт оралиғида ҳудуддаги иқтисодий пропорцияларни ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг миқдорий натижаларини ифодалайди. ЯҲМни ижобий томони шундаки, унинг ёрдамида нафақат аниқ бир ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини баҳолаш мумкин, балки республикадаги барча ҳудудлар ривожланиш динамикасини бир-бири билан таққослаш билан бирга уларни мамлакат кўраткичлари билан ҳам таққослама таҳлилни амалга ошириш мумкин.

ЯҲМ ҳудуддаги корхона ва ташкилотлар фаолиятининг пировард натижаларини қиймат кўринишида ифодалайди. Мамлакатнинг иқтисодий фаолияти натижаларини характерлашда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) кўрсаткичидан фойдаланилади. Маълумки, ЯҲМ ва ЯИМ бир-бири билан миқдорий жиҳатдан мос тушмайди. ЯҲМ мамлакатнинг маъмурий ҳудудида яъни, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси фаолияти натижаларини ифодалайди. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти ялпи ҳудудий маҳсулотлар йиғиндисидан кўп. Чунки, ЯИМ ЯҲМлар билан бирга мамлакатга тегишли бўлган, ҳудудларга тарқатилмайдиган тармоқларда

вужудга келадиган қўшилган қийматни ўз ичига олади (Ўзбекистон ҳаво йўллари, Ўзбекистон темир йўллари, давлат бошқаруви, мудофаа ва бошқалар).

2017 йилда қабул қилинган Вазилар маҳкамасининг, “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарорида худудларни sanoat салоҳиятини жадал ривожлантириш, уларни ишлатилмаётган имкониятларини тўлароқ юзага чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чуқур қайта ишлаш, худудий sanoat кооперациясини ривожлантириш, sanoat тармоғини ривожлантиришининг худудий ва тармоқ дастурларини мукамал ишлаб чиқиш масалалари алоҳида қайд этиб ўтилди ва белгиланди.

Маълумки, худудларнинг иқтисодий ўсишни таққослама таҳлили аниқ кўрсаткичлар орқали амалга оширилади. Биринчи умумий кўрсаткич, худудларда яратилган ЯҲМ хажми, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши. Бу кўрсаткичлар худудларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрнини, аҳамиятини ва унга қўшаётган ҳиссасини таҳлил этишга ёрдам беради. Таҳлил натижалари худудларнинг ўз ишлаб чиқариш имкониятлардан, ресурслар потенциалидан қанчалик даражада фойдаланилаётганликларини баҳолашга имкон яратди, паст ҳисса қўшадиган худудларнинг иқтисодий имкониятларини ва ўсиш суръатини ошириш манбаларини аниқлашга ёрдам беради. ЯҲМни таркибий ўзгаришини худудларро таққослама равишда ўрганиш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган худудий ялпи маҳсулотни ва уни мамлакат кўрсаткичига нисбатан таққослама ўрганиш худудларда иқтисодий ўсишнинг устивор вазифаларини аниқлашга қаратилган ижобий ўзгаришларни белгилашда муҳим ўрин тутди ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Гранберг А., Зайцева Ю.[1] мақолада худудларнинг ЯҲМларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш йўналишлари Россия федерацияси регионлари мисолида таҳлил этишнинг назарий ва амалий томонлари очиб берилган.

Мироедов А.А., Шарамыгина О.А. [3] ларнинг илмий ишларида Россия шароитида худудни иқтисодий ривожланишини белгиладиган ва ЯҲМнинг таркибий қисмларини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар таҳлил этилган, ва улар ёрдамида худуднинг иқтисодий ривожланиши баҳоланган.

Маълумки, Россия худудлари кенг территорияни ўз ичига олиши, ўзига хос бўлган табиий ресурслари, иқлими ва бошқа шароитлари билан Ўзбекистон худудларидан фарқ қилади. Назаров Ш.Х. [4] ўз ишида худуднинг асосий кўрсаткичлари, худуднинг рақобатбардошлигини баҳолаш ва уни ошириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ қилган бўлса, Олимжонов О.О. [5] ишида Ўзбекистон худудлари барқарор ривожланишига тўсиқлик қилаётган муаммолар ва номуано-сибликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалалари кўрилган, шунга ўхшаш масалалар [7] ишда ҳам кўрилган. Гусарова О.М.[6] илмий ишида худудларни ривожлантиришда инвестиция омили таҳлил этилган.

#### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот методологияси сифатида тизимли таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, иқтисодий, статистик, математик, индекс усуллари билан фойдаланилди.

## Таҳлил ва натижалар

Ҳудудларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотга қўшган улушини ва уларнинг ўсиш суръатларини таҳлил қиламиз, 1- жадвал. Жадвалдан кўриш мумкинки, 2013-2017 йилларда ҳудудлар ялпи маҳсулотининг номинал қиймат миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2017 йилга келиб энг кўп яратилган ҳудудий маҳсулот қиймати қуйидаги ҳудудларга тўғри келади: Тошкент ш. - 38642.9 млрд сўм, Тошкент вилояти - 23525,3 млрд сўм, Самарқанд - 18319.3 млрд сўм, Қашқадарё - 17366.1 млрд сўм. Энг паст кўрсаткич Жиззах (5762.2 млрд сўм), Сирдарё (5066.4 млрд сўм) ва Хоразм (8232.9 млрд сўм) вилоятларида кузатилган. 2013 йилда мамлакат ЯИМига қўшган ҳиссаси бўйича қарайдиган бўлсак бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида (14,3 %), Тошкент вилоятида (10,3 %) ва Қашқадарё вилоятида (8,1 %) юқори бўлган. Паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида (2,1 %), Жиззах вилоятида (2,4 %), Қорақалпоғистон Республикасида (2,4 %) Хоразм (3,5 %) ва Наманган вилояти ҳамда Сурхондарё вилоятларида (4,3 %) кузатилди. Қолган вилоятларда бу кўрсаткич 5,3 % - 7,2 % оралиғида бўлган. Ҳудудларнинг мамлакат ЯИМдаги улушини 2013-2017 йиллардаги динамикасини қарайдиган бўлсак бу ерда ижобий тенденцияга нисбатан кўпроқ салбий тенденцияни кузатиш мумкин. Ўсиш фақат 3 та ҳудудда рўй берган ҳолос. 2017 йилга келиб Тошкент шаҳрининг улуши- 15,5 %ни, Самарқанд вилояти -7,4 % ва Қорақалпоғистон Республикасида - 3,3 %ни ташкил этган. Қолган барча ҳудудларнинг улуши пасайганини кўришимиз мумкин, энг кўп пасайиш Қашқадарё (1,1 %) ва Тошкент вилоятида (0,9 %) кузатилган.

Энди ҳудудлар бўйича ЯҲМни 2013-2017 йилларда таққослама нархларда ўсиш динамикасини таҳлил қиламиз. Жадвалдан кўришимиз мумкинки, юқори ўсиш, яъни республика бўйича ўсиш суръати (32,2 %) дан юқори ўсиш суръатини Қорақалпоғистон Республикасида (53,1 %), Тошкент шаҳрида (36,9 %), Наманган вилоятида (35,1 %), Самарқанд вилояти (34,1 %) ва Хоразм вилоятида (34,5 %) ҳамда Жиззах вилоятида (33,5 %) кўришимиз мумкин. Энг паст ўсиш Навоий вилоятида (12,8%), Сирдарё вилоятида (22,4%) кузатилган. Қолган Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида ўсиш суръати республика ўсиш суръатидан паст бўлган. Самарқанд вилояти бу кўрсаткич бўйича тўртинчи ўринда бораётганини кузатиш мумкин. Энг юқори ўсиш (53,1 %) ва энг паст ўсиш (12,8 %) ўртасидаги фарқ 40,3 %ни ташкил этмоқда ва бу ҳудудларнинг ўсиш суръати жуда катта диапазонда эканлигидан далолат беради. Бундай катта фарқ ҳудудларни иқтисодий ривожланишидаги нотекисликни кескинлашувига ва ўсиб бораётган аҳлонинг турмуш даражасида ҳам катта фарқ бўлишига олиб келиши мумкин.

Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот миқдори бўйича таққослама таҳлил қилганда ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси тўғрисида янада аниқроқ маълумотга эга бўламиз. Бу кўрсаткич 2013 йилда саноати ривожланган ҳудудларда юқори бўлган. Хусусан, Навоий вилояти (7361,8 минг сўм), Тошкент шаҳри (7352,1 минг сўм), Тошкент вилояти (4579,2 минг сўм). Қолган 11 та ҳудудда бу кўрсаткич республика кўрсаткичи (3996,3 минг сўм)га нисбатан паст бўлган. Энг паст кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (1971,4 минг сўм), Наманган вилояти (2078,0 минг сўм), Сурхондарё (2404,7 минг сўм) вилоятларда кузатилган. Энг юқори (1974,7) ва энг паст кўрсаткич (7361,8)лар фарқи 5390,4 минг сўмни ташкил этади. 2017 йилга келиб

бу фарқ 11861,7 минг сўмга тенг бўлган ва у 2,2 баробарга ошган. Бу шундан далолат берадики, 2013-2017 йиллар давомида ҳудудларнинг нотекис ривожланиши ошиб борган ва бундай ҳолат айрим ҳудудларда аҳолини иш билан таъминлашга ҳамда уларнинг турмуш даражасига салбий таъсир қилмай қолмайди. Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотни 2013-2017 йиллардаги ўсиш динамикасини қараймиз. Жадвалдан кўришимиз мумкинки, барча вилоятларда ЯҲМни номинал ўсиши кузатилади. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида (2,30 баробар), Тошкент шаҳри (2,15 баробар), Самарқанд вилоятида (2,03 баробар) юқори бўлиб у республиканики (1,92) га нисбатан қараганда юқори. Қолган 11 та ҳудудда ўсиш суръати республика кўрсаткичидан паст бўлган. Ўсиш суръати Самарқанд (1,90), Сирдарё (1,88), Хоразм (1,86), Андижон (1,84), Жиззах (1,82), Бухоро (1,81), Тошкент (1,80), Фарғона (1,81), вилоятларида нисбатан яхши бўлганлигини кўриш мумкин.

Яна бир муҳим кўрсаткич бу ҳудудларда аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯҲМни республика кўрсаткичига нисбатан улуши индекси

$I_i = X_i / Y$ ,  $i = 1, 14$ ; Бу ерда  $I_i$  –  $i$  – чи ҳудуд индекси;  $X_i$  –  $i$  – чи ҳудудда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ миқдори;  $Y$  – республика бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдори. Бу ерда республиканинг индекс кўрсаткичи 1 га тенг. 2013 йилда ушбу индекс учта ҳудуддагина республика кўрсаткичидан юқори бўлган. Булар Тошкент шаҳри (1,84), Навои вилояти (1,84) ва Тошкент вилояти (1,15). Қолган 11 та ҳудудда бу кўрсаткич республиканикига қараганда паст бўлган. Масалан, Бухоро вилоятида аҳоли жон бошига яратилган ЯҲМ республика кўрсаткичининг 92% ни ташкил этади. Қашқадарё вилоятида бу кўрсаткич 86%, Сирдарё 83%, Андижон 66%, Фарғона 65%, Хоразм 62%, Самарқанд вилоятида бу кўрсаткичи 61% га тенг. Энг паст ривожланиш индекси Қорақалпоғистон Республикасида - 49%, Наманган вилоятида - 52% кузатилади. 2013-2016 йилларда ушбу индекс Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро вилоятида, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятларида паст даражада бўлса ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида бу кўрсаткич пасайган.

Ялпи ҳудудий маҳсулот<sup>1</sup>

№	Ҳудудлар	ЯҲМ млрд. сўм					Таққослама нархларда 2016-2017 йилларда ўсиш сурати, % да					Республика ЯИМда ҳудудлар улуши, жамига нисбатан %да				
		2013	2014	2015	2016	2017	2013	2014	2015	2016	2017	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	3398,8	4157,3	5046,2	6518,0	8285,2	108,3	110,0	122,0	144,8	153,1	2,8	2,9	2,9	3,2	3,3
	Вилоятлар															
2.	Андижон	7337,6	8728,5	10172,4	11266,0	14479,0	109,1	109,2	112,4	113,5	121,1	6,1	6,0	5,9	5,7	5,8
3.	Бухоро	6384,4	7701,6	9115,3	10924,4	12283,9	108,2	109,2	118,9	128,3	130,5	5,3	5,3	5,3	5,5	4,9
4.	Жиззах	2930,3	3500,3	4180,5	4906,8	5762,2	110,0	109,2	119,2	130,4	133,5	2,4	2,4	2,4	2,5	2,3
5.	Қашқадарё	9829,8	11470,7	13632,9	14896,9	17366,1	104,9	107,3	114,9	121,7	125,5	8,1	7,9	7,9	7,5	7,0
6.	Навоий	6587,3	7931,3	9105,3	10541,8	12317,4	104,2	105,8	109,9	111,4	112,8	5,5	5,4	5,3	5,3	4,9
7.	Наманган	5156,4	6340,7	7447,0	8866,9	10552,5	108,8	109,3	118,6	129,6	135,1	4,3	4,3	4,3	4,4	4,2
8.	Самарқанд	8347,8	10278,8	12218,5	14060,4	18319,5	108,9	109,8	120,3	130,8	134,1	6,9	7,0	7,1	7,1	7,4
9.	Сурхандарё	5493,6	6616,8	7802,4	9172,5	10633,3	108,9	108,7	117,1	126,5	131,1	4,5	4,5	4,5	4,6	4,3
10.	Сирдарё	2524,1	3012,2	3648,6	4190,1	5066,4	106,2	107,6	116,4	125,3	122,4	2,1	2,1	2,1	2,1	2,0
11.	Тошкент	12413,3	14946,2	17616,8	20528,7	23525,3	107,5	107,4	115,0	123,2	127,0	10,3	10,2	10,3	10,3	9,4
12.	Фарғона	8672,0	10706,6	12583,5	13922,9	16773,1	108,5	108,4	117,0	125,8	130,9	7,2	7,3	7,3	7,0	6,7
13.	Хоразм	4129,6	5061,0	6167,7	7093,8	8232,9	109,1	109,0	121,0	128,7	134,5	3,5	3,5	3,6	3,6	3,3
14.	Тошкент шаҳри	17254,5	21812,1	26894,5	31482,8	38642,9	109,6	111,8	123,2	123,2	136,9	14,3	15,0	15,7	15,8	15,5
15.	Ўзбекистон Республикаси	120861,5	145846,4	171808,3	199325,1	249136,4	108,0	108,0	116,5	125,6	132,2	100%	100%	100%	100%	100%

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш<sup>2</sup>

№	Ҳудудлар	Аҳоли жон бошига ЯҲМ (минг сўм)					Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2013-2017 йилларда ўсиш суръати (%)да					Аҳоли жон бошига ЯҲМни Республика кўрсаткичига нисбатан улуши, индекси				
		2013	2014	2015	2016	2017	2013	2014	2015	2016	2017	2013	2014	2015	2016	2017
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1971,4	2375,8	2839,5	3617,7	4527,7	100	120	144	184	230	0,49	0,50	0,52	0,58	0,59
2.	Андижон вилояти	2637,5	3082,7	3527,3	3836,5	4847,2	100	117	134	145	184	0,66	0,65	0,64	0,61	0,63
3.	Бухоро вилояти	3662,6	4349,0	5063,2	5971,9	6616,0	100	119	138	163	181	0,92	0,92	0,92	0,95	0,86
4.	Жиззах вилояти	2410,0	2826,3	3309,7	3808,2	4388,9	100	117	137	157	182	0,60	0,60	0,60	0,61	0,57
5.	Қашқадарё вилояти	3433,0	3918,8	4556,0	4872,3	5568,8	100	114	133	142	162	0,86	0,83	0,83	0,78	0,72
6.	Навоий вилояти	7361,8	8742,7	9890,6	11271,0	12961,6	100	119	134	153	176	1,84	1,84	1,80	1,80	1,68
7.	Наманган вилояти	2078,0	2507,0	2887,8	3374,2	3943,8	100	121	139	162	190	0,52	0,53	0,53	0,54	0,51
8.	Самарқанд вилояти	2445,7	2953,5	3442,4	3886,6	4970,4	100	121	141	159	203	0,61	0,62	0,63	0,62	0,65
9.	Сурхандарё вилояти	2404,7	2853,8	3271,6	3764,0	4274,3	100	187	136	157	178	0,60	0,60	0,60	0,60	0,56
10.	Сирдарё вилояти	3333,9	3909,9	4655,0	5258,7	6259,5	100	117	140	158	188	0,83	0,82	0,85	0,84	0,86
11.	Тошкент вилояти	4579,2	5450,6	6345,6	7300,9	8268,1	100	190	139	159	181	1,15	1,15	1,16	1,17	1,07
12.	Фарғона вилояти	2582,4	3134,5	3621,0	3938,7	4669,0	100	121	140	153	181	0,64	0,66	0,66	0,63	0,61
13.	Хоразм вилояти	2474,3	2977,4	3562,7	4026,2	4597,6	100	120	144	163	18	0,62	0,63	0,65	0,64	0,60
14.	Тошкент шаҳри	7352,1	9234,2	11289,8	13068,8	15805,5	100	126	154	178	215	1,84	1,94	2,06	2,10	2,05
15.	Ўзбекистон Республикаси	3996,3	4741,8	5489,3	6258,6	7692,4	100	119	137	157	192	1	1	1	1	1

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

2017 йилни 2016 йилга нисбатан қарайдиган бўлсак, ушбу индекс Қорақалпоғистон Республикасида, Андижон ва Самарқанд вилоятларида маълум даражада ошган бўлса, қолган барча ҳудудларда пасайганлигини кузатишимиз мумкин. Ривожланиш индекси кўрсаткичлари Республиканинг нисбатан паст бўлганда, бундай ҳудудларни депрессив ҳудудлар деб қараш мумкин ва уларни ушбу ҳолатдан чиқариш, ёки уларнинг индексини республика индексига яқинлаштириш бўйича мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадқиқот натижалари давлатимизнинг аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ ҳудудий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошланғич ахборот бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ЯХМ барқарор ўсишини таъминлашда унинг тармоқ таркиби ва таркибий қисмларининг ўзгаришини ўрганиш муҳим ўрин тутди. 3- жадвалда ЯХМнинг ҳудудлар бўйича таркиби келтирилган. Жадвалдан кўриш мумкинки, товар ишлаб чиқарувчи тармоқларга қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигини, саноатни ва қурилишни критадиган бўлсак, энг кўп товар ишлаб чиқаришни (яни, шу тармоқларнинг ЯХМ даги улушлари йиғиндисини) Навоий (77,2%), Сирдарё (66,5%), Тошкент (65,5%), Қашқадарё (65,4%), Бухоро (60,4%) вилоятларида кўриш мумкин. Лекин, бу вилоятларда хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа вилоятларга қараганда паст, бу кўрсаткич мос ҳолда 22,8; 33,5; 34,5; 34,6; 39,6 фоизга тенг. Шунинг таъкидлаш жоизки, қурилиш соҳасининг ЯХМдаги улушининг пастлиги ЯХМни ўсиш суръатини пасайишига олиб келиши мумкин, чунки у ЯХМни умумий ўсиш даражасини таъминловчи локомотив ҳисобланади.

### 3-жадвал

#### Ҳудудлар бўйича тармоқлар таркиби жамига нисбатан фоизда. 2017 йил<sup>3</sup>

Ҳудудлар	Қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик хўжаликлари	Саноат	Товар ишлаб чиқариш, 2 чи ва 3чи устун йиғиндисини	Қурилиш	Товар ишлаб чиқариш, 2 чи, 3чи, 5 чи устун йиғиндисини	Хизматлар соҳаси
1	2	3	4	5	6	7
Қорақалпоғистон Республикаси	15,2	32,7	47,9	7,5	55,4	44,6
Андижон	33,4	20,8	54,2	5,6	59,8	40,2
Бухоро	31,0	19,7	50,7	9,7	60,4	39,6
Жиззах	35,2	14,3	49,5	8,1	57,6	42,4
Қашқадарё	22,6	35,2	57,8	7,6	65,4	34,6
Навоий	18,5	53,9	72,4	4,8	77,2	22,8
Наманган	30,9	14,9	45,8	6,8	52,6	47,4
Самарқанд	32,2	18,6	50,8	5,9	56,7	43,3
Сурхондарё	40,3	8,2	48,5	7,7	56,2	43,8
Сирдарё	36,9	24,7	61,6	4,9	66,5	33,5
Тошкент	23,1	38,7	61,8	3,7	65,5	34,5
Фарғона	23,4	24,6	48,0	6,2	54,2	45,8
Хоразм	30,4	17,3	47,7	7,2	54,9	45,1
Тошкент ш		32,2		7,4	39,6	60,4

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида ҳисобланган



Жадвалдаги маълумотлардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасининг ЯХМдаги улушининг юқорилиги Сурхондарё (40,3%), Сирдарё (36,9%), Жиззах (35,2%), Андижон (33,4%), Самарқанд (32,2%) вилоятларида кўриш мумкин. Лекин, бу кўрсаткичлар шу ҳудудларда ва шу билан бирга бошқа ҳудудларда ҳам аҳоли эҳтиёжини қондирадиган миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш етарли даражада деб айтсак нотўғри бўлади. Бугунги кунда гўшт, сут, картошка ва бошқа маҳсулотларнинг нархларини юқорилиги, уларни етиштириш аҳоли талабининг ўсишидан орқада қолаётганлигидан далолат беради.

Саноат соҳасини ҳудудлар бўйича ЯХМ даги улушини қараймиз. Бу кўрсаткични Навоий вилоятида (53,9%), Қашқадарёда (35,2%), Тошкент вилоятида (38,7%), Қорақалпоғистон Республикасида (32,7%), юқорилигини кўрамиз. Шу билан бирга уни Сурхондарё вилоятида (8,2%), Жиззах (14,3%), Наманган (14,9%), Хоразм вилоятларида (17,3) анча пастлигини кўришимиз мумкин. Самарқанд вилоятида ҳам бу кўрсаткич (18,6%)ни яхши деб бўлмайди. Ҳукуматимиз томонидан 2016 йилда республиканинг ресурс ва ички имкониятлари реал баҳоланиб 2030 йилга бориб мамлакатимизда ЯИМни камида 2 барабор ошириш, туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобидан саноатни жадал ривожлантириш ва ЯИМ да унинг улушини 40 фоизга етказиш вазифасини қўйилишини эътиборга олсак ҳудудларда саноат тармоқларини ривожлантириш устувор вазифалардан бири эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

#### 4-жадвал

#### Ҳудудлар бўйича ЯХМ таркибини 2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўсиши<sup>4</sup> (%да)

№		Қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик хўжаликлари	Саноат	Қурилиш	Хизматлар соҳаси
1	Қорақалпоғистон Республикаси	103,8	107,1	103,6	105,9
	Вилоятлар				
2	Андижон	101,1	123,5	101,9	105,1
3	Бухоро	101,6	98,5	101,4	103,8
4	Жиззах	101,1	100,4	100,1	104,6
5	Қашқадарё	100,8	104,1	100,4	104,0
6	Навоий	104,1	98,6	103,1	106,3
7	Наманган	101,1	105,0	107,6	105,4
8	Самарқанд	101,4	102,2	95,6	104,5
9	Сурхондарё	106,6	90,0	104,1	104,7
10	Сирдарё	102,3	84,6	95,1	105,5
11	Тошкент	100,8	103,0	100,5	103,8
12	Фарғона	103,3	102,0	105,9	105,1
13	Хоразм	100,1	113,2	100,0	105,2
14	Тошкент ш		106,9	110,9	108,4

4-жадвалда ҳудудлар бўйича ЯХМ таркибини 2017 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши келтирилган. Жадвалдаги маълумотларга кўра 10 та ҳудудда саноат

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти асосида ҳисобланган

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини кўрамиз. Андижон (123,5 %), Хоразмда (113,2 %), Қашқадарё (104,1 %), Наманган (105,0 %) вилоятларида ўсиш юқори бўлган бўлса, Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 107,1 %ни Тошкент вилоятида 103,0 %, Фарғона вилоятида 102,0 %ни ташкил этган. Сурхондарё 90,0 %, Сирдарё 84,6 %, Навоий 98,6 %, Бухоро 98,5 %, вилоятларида бу кўрсаткич пасайган.

Хизматлар соҳасини қарайдиган бўлсак, бу ерда ижобий тендецияни кузатиш мумкин. Барча ҳудудларда хизматлар соҳаси ўсган. Юқори ўсиш суръати Тошкент шаҳрида 108,4 %, ва Навоий вилоятида 106,3 %, бўлган. Қолган ҳудудларда ўсиш суръати бирмунча текис бўлиб у 103,8-105,5 % оралиғида бўлган. Хизматлар соҳасининг ЯҲМдаги улуши Тошкент шаҳрида 60,4 %ни, Наманган вилоятида 47,4 %ни, Фарғона 45,8 %, Хоразм 45,1 %, Самарқанд 43,3 %, Сурхондарё 43,8 %, Жиззах вилоятида 42,4 %ни ташкил этган. Қорақалпоғистон Республикасида бу кўрсаткич 44,6 %ни ташкил этган. Хизматлар соҳасини ривожлантиришда Хорижий тажрибалардан фойдаланиб истиқболли соҳаларни аниқлаб уларни ривожлантиришга эътиборни қаратиш лозим деб ўйлаймиз. Бундай соҳалар сифатида қуйидаги бозор хизмати соҳаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- транспорт соҳаси;
- ахборот технологиялари хизмати;
- соғлиқни сақлаш, физик маданият;
- халқ таълими (хусусий боғча, хусусий мактаблар ва бошқа хизмат турлари);
- коммунал хўжалиги;
- савдо ва овқатланиш соҳаси;
- суғурта;
- кўчмас мулк бўйича операциялар.

Бозор хизматлари соҳаси йирик шаҳарларда, вилоят марказларида яхши ривожланиш имкониятига эга. Бунга асосий таъсир этувчи омилларга аҳоли сони, уларнинг даромадлари, корхона ва ташкилотлар сонининг кўплигини киритиш мумкин.

### **Хулоса ва таклифлар**

Бугунги кунда ҳукуматимиз иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилишга, унинг таркибида саноатнинг улушини ошириб боришга, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашга, саноат соҳасига юқори технологияларни жалб этиш асосида саноатда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга ва ҳудудларнинг саноат салоҳиятидан самарали фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда барча ҳудудларда саноат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг ЯҲМдаги улушини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу ерда, бозор талаби билан таъминланган, импорт ўрнини босувчи саноат товарларини ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштириш асосида саноат товарларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи истиқболли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини танлаш асосида уларни қўллаб-қувватлаш, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантириш, ҳудудларда кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш саноатни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни жалб қилиш, хорижий ҳамкорлар билан бирга қўшма корхоналарни барпо этиш янги рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришга замин яратади.

- ҳудудларнинг мамлакат ЯИМдаги улушлари, ЯҲМнинг ўсиши динамикаси кўрсаткичлари, ҳудудларнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни, уларнинг иқтисодий ривожланиши тўғрисида дастлабки хулосалар қилишга имкон яратади.

- ҳудудларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ кўрсаткичи ҳудудлар иқтисодиётининг ривожланиш динамикасининг фаоллигини аниқроқ кўрсатади.

- аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМ миқдорини мамлакат миқёсида аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ миқдорига нисбатан индекси кўрсаткичлари ва уларнинг динамикаси ҳудудларнинг мамлакат кўрсаткичидан юқори бўлган ҳудудларга, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯҲМнинг ўсиши республикага нисбатан юқорилигини билдирса, паст бўлиши депрессив ҳудудларни аниқлашга ёрдам беради ва бу маълумотлар ҳудудларда саноатни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқишда муҳим бошланғич маълумот бўлиб хизмат қилади.

- ЯҲМнинг тармоқлар таркиби ва уларнинг ўзгариш кўрсаткичлари тахлили натижалари саноат ишлаб чиқариш, қишлоқ, ўрмончилик ва балиқчилик хўжалигини, қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши қандай нисбатда эканлиги бўйича хулоса чиқаришга ва уларни мақсадга мувофиқ нисбатда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Гранберг А., Зайцева Ю. Производства и использование валового регионального продукта: межрегиональные сопоставления // Российский экономический журнал. 2002. № 10.

2. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: Шарқ, 2002. -183б.

3. Мироедов А.А., Шарамыгина О.А. Использование показателя валового регионального продукта в оценке экономического развития региона // Вопросы статистики. 2003. № 9.

4. Назаров Ш.Х. Методологические аспекты повышения конкурент способности регионов// Т.: IFMR, 2014г. 212с.

5. Олимжонов О.О. Ўзбекистон ҳудудлари барқарор ривожланишига тўсиқлик қилаётган муаммолар ва номуносибликлар // Т.: IFMR. 2017й.

6. Гусарова О.М. Инвестиции как фактор регионального развития // Фундаментальные исследования.- 2015. -№ 2-10. –с.2194-2199;

7. Перепелкин В.А. Экономический рост как предпосылка экономического развития // Вестник СамГУ-2007. -№ 3(53). С. 143-205.